

Олий таълим ташкилотларида талабаларга  
грантлар тақдим этиш ва қайта тақсимлаш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
1-илова

### **Олий таълим ташкилотларида таълим грантини қайта тақсимлаш СХЕМАСИ**

<b>Босқичлар</b>	<b>Субъект</b>	<b>Чора-тадбирлар</b>	<b>Муддат</b>
<b>1-босқич</b>	Талабгор (талаба)	Олий таълим ташкилоти расмий веб-сайтида рўйхатдан ўтади.	Олий таълим ташкилоти томонидан белгиланган муддатда
<b>2-босқич</b>	Академик ўзлаштириш кўрсаткичини аниқлаш бўйича комиссия, Ижтимоий фаолликни аниқлаш бўйича комиссия	1. Талабгорнинг ўзлаштириш кўрсаткичини баҳолайди. 2. Талабгорнинг ижтимоий фаоллик кўрсаткичини баҳолайди.	Олий таълим ташкилоти томонидан белгиланган муддатда
<b>3-босқич</b>	Академик ўзлаштириш кўрсаткичини аниқлаш бўйича комиссия, Ижтимоий фаолликни аниқлаш бўйича комиссия	Талабгорни баҳолаш натижаларини Махсус комиссияга тақдим этади.	Ҳар йили 1 августга қадар
<b>4-босқич</b>	Махсус комиссия	Талабгорнинг умумий натижасини шакллантириб, олий таълим ташкилоти кенгашига киритади.	Ҳар йили 15 августга қадар
<b>5-босқич</b>	Олий таълим ташкилоти кенгashi	Таълим грантини олувчи талабалар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорни қабул қиласди.	Ҳар йили 20 августга қадар
<b>6-босқич</b>	Олий таълим ташкилоти	Таълим грантини олувчи талабалар рўйхатини олий таълим ташкилотининг расмий веб-сайтида эълон қиласди.	Ҳар йили 25 августга қадар

Олий таълим ташкилотларида талабаларга  
грантлар тақдим этиш ва қайта тақсимлаш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
2-илова

**Олий таълим ташкилотларида таълим грантига талабгорларнинг  
ижтимоий фаоллигини аниқлаш бўйича баҳолаш  
МЕЗОНЛАРИ**

T/p	Кўрсаткичлар	Балл
1.	Китобхонлик маданияти	0-20
2.	“5 муҳим ташаббус” доирасидаги тўгаракларда фаол иштироки	0-20
3.	Талабанинг академик ўзлаштириши	0-10
4.	Талабанинг олий таълим ташкилотининг ички тартиб қоидалари ва Одоб-ахлоқ кодексига риоя этиши	0-5
5.	Халқаро, республика, вилоят миқёсидаги кўрик-танлов, фан олимпиадалари ва спорт мусобақаларида эришган натижалари	0-10
6.	Талабанинг дарсларга тўлиқ ва кечикмасдан келиши	0-5
7.	Талабаларнинг “Маърифат дарслари”даги фаол иштироки	0-10
8.	Волонтёрлик ва жамоат ишларидаги фаоллиги	0-5
9.	Театр ва музей, хиёбон, кино, тарихий қадамжоларга ташрифлар	0-5
10.	Талабаларнинг спорт билан шуғулланиши ва соғлом турмуш тарзига амал қилиши	0-5
11.	Маънавий-маърифий соҳага оид бошқа йўналишлардаги фаоллиги	0-5
<b>Жами балл:</b>		100

